

ЖУМАҚУЛОВ Жамшед

Термиз давлат университети ўқитувчиси

ТЕРМИЗИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE POETRY OF TERMIZI

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПОЭЗИИ ТЕРМИЗИ

Аннотация. Мақолада Чағониён адабий муҳитининг етук вакили, маҳоратли шоир Мунжик Термизий ҳаёти ва адабий мероси борасида сўз юритилиб, шу билан биргаликда шеърларидан мисол келтирилади. Мунжик Термизий шеърларининг қиёсий-текстологик таҳлили борасида сўз юритилиб, бошқа шоирларнинг шеърлари билан солиштириб чиқилади.

Калим сўзлар. Чағониён, адабий муҳит, Термиз, Родуёний, Мунжик, Абуҳафс Сугдий, шеърият.

Abstract. The article talks about the life and literary legacy of Munjik Termizi, a mature representative of the Chaganiyan literary environment, a skilled poet, and gives an example of his poems. The comparative-textological analysis of Munjik Termizi's poems is discussed and compared with the poems of other poets.

Keywords. Chaghaniyan, literary environment, Termiz, Roduyoniy, Munjik, Abuhafs Sugdi, poetry.

Аннотация. В статье рассказывается о жизни и литературном наследии Мунджика Термизи, зрелого представителя чаганской литературной среды, искусного поэта, и приводится пример его стихов. Обсуждается сравнительно-текстологический анализ стихотворений Мунджика Термизи и проводится сравнение со стихами других поэтов.

Ключевые слова. Чаганян, литературная среда, Термез, Родуёний, Мунджик, Абухафс Сугди, поэзия.

КИРИШ

Термиз азалдан илм-маданият ва турли фанлар бешиги бўлган. Кўплам олимлар, шоирлар, орифлар, муфассирлар, муҳаддислар, мутакаллимлар, мутасаввуфлар каби буюк зотлар шу заминда ижод қилгани манбаларда

келади. Адиб Собир Термизий, Амир Муиззий, Мунжик Термизийдек шоирлар мана шу замин фарзанди бўлгани барчамизга маълум. Бироқ мана шу мутафаккирлардан мерос қолган асарларни тадқиқ этиш, қиёсий текстологик ўрганиш, манабалар билан солиштириб чиқиш, узаро адабий таъсир доирасини аниқлаш, шеърий услубини аниқлай олиш, замонавий ўзбек тилига таржима этиш ва шу каби муҳим ишлар даврнинг долзарб мавзуларидандир. Шунинг учун ушбу мақолада Мунжик Термизий шеъриятини салаф ва халаф шоирлар ижоди билан солиштириб чиқилди. Мунжик Термизий (X аср) ижодий бисотидан бизгача етиб келган шеърий намуналар матни адабиётшунос олимлар томонидан кузатилиб, айрим мулоҳазалар изҳор этилган.

Қадимий лугат, тазкира, баёз, мажмуа, илмий асарлар ёки айрим тўпламлардаги Мунжик шеърлари матнининг турличалиги, гоҳо Мунжикка бошқа шоирларнинг, гоҳо Мунжик шеърларининг бошқа шоирларга нисбат берилиши ҳодисалари бу борада қилинажак ишлар кўламини англайди. Боиси Мунжик шеърларининг Рудакий (858 – 941), Дакикий (929 – 977) ва Анварий (1090 – 1166) га ёки аксинча Бадеий Балхий (X аср) шеърларининг Мунжикка нисбат берилиши ҳодисалари кўп бор қайдини топган. Мунжик шеърларидан намуналар Абуҳишф Сўғдий рисола (бу рисола бизгача етиб келмаган, аммо кейинги кўплаб лугатлар, хусусан, Асадий Тусийнинг машҳур лугати ҳам шу лугат асосида яратилган), Асадий Тусий (1005 – 1073)нинг “Лугати фурс” (1065), Умар ар-Родуёний (XI аср)нинг “Таржимон ул-балоғ” (“Тўзаллик маънолари”, 1090), Рашидиддин Ватвот (1080 – 1178)нинг “Ҳадоиқ ус-сехр” (“Сехрли боғлар”), Муҳаммад Авфий (1172 – 1235)нинг “Лубобу-л-албоб” (“Илмлар мағзи”, 1221 – 22) ва Шамси Қайс Розий (1180 – 1240)нинг “Ал-мўъжам” (“Лугат”, 1233) асарларида ҳамда шу асарлардан фойдаланиб кейинги даврларда яратилган баёз, тазкира, лугат, мажмуа, тўпламларда учрайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Чунончи, биз Мунжик шеърларидан “Таржимон ул-балоғ” (қирқ бир байт, кейинги кузатувлар байтлар миқдори эллик бешта

эканини тасдиқлади)да, “Лубоб ул-албоб” (ўн уч байт)да ва “Ал-мўъжам” (тўрт байт)да берилган парчаларни таҳлилга жалб этдик.

Боиси Мунжикнинг айрим шеърлари матнини Умар ар-Родуёний, Мухаммад Авфий ва Шамси Қайс Розий асарлари мисолида солиштирсак маълум саволларга жавоб топилади. Бу жиҳатдан Родуёний ва Авфийнинг Мунжик қаламига мансуб Чағониён амири Тоҳир Чағоний (вафоти 992) га бағишланган қасидасидан келтирган парчалари эътиборлидир. Ушбу қасидадан Родуёний тўққиз байт, Авфий саккиз байт мисол келтиради, байтлардан бор-йўғи икки байт бир хил:

*Худойгоно! Фархунда меҳргон омад,
Зи бог гаит ба таҳвили офтоб аҳвол.
Саронардаи суҳбат кашид себу турунж,
Ба табли реҳлат барзад гулу бунафша
дувол [5:41].*

Мазмуни:

*Улуг эгам! Муборак меҳргон келди,
Қуёш богаро сайр этар хушҳол.
Гул ила бинафша ногора қоқар,
Олма ва нокнинг суҳбати ажиб ҳол.*

Қолган байтлар ўхшаш эмас, юқоридаги муштарак байтлар солиштирилганда иккинчи байтдаги бир сўз Родуёний[5:41] да “кашид”, Авфий [5:501] да “кашида” битилган. Авфий қасидадан мисоллар олар экан қасиданинг ўзига хуш ёққан байтларини танлашга интиганини тахмин қилиш мумкин.

Мунжик ижодиёти билан боғлиқ ғалати ҳодисалардан бири турли давр манбаларида унинг бадий бисотига тааллуқли баъзи шеърлари гоҳо ўзга шоирларга нисбат берилса, гоҳо бунинг тескарисини кузатамиз. Зотан бу хил воқеаларга эътибор қаратиш шоир ижодининг мавҳум қирраларини барқарорлаштиришда қўл келиши муқаррар. Ўтмиш луғатнавислари, баёзнавислари, тазкиранавислари Мунжик шеърларини баъзан бошқа ижодкорлар шеърлари билан чалкаштиришади. Жумладан, Мунжикнинг ушбу:

*Аё балоя, агар кор кард пинҳон буд,
Кунун тавоний боре хашук пинҳон кард
[2:364]*

Мазмуни:

*Беҳаёликни қилган каби пинҳон,
Ҳаром ишни яширасан чунон! –*

байти Рудакийга ҳам нисбат берилади ва иккинчи мисрадаги “хашук” сўзи “Осори Рўдакий” (7 – С.222) да “хушук” ёзилган, аммо бу сўзнинг ҳар икки ҳолатда ҳам маъноси бир хилдир. Рудакийнинг Мунжикдан олдин яшаб ўтгани сабаб шеърни бемалол Рудакийники дейиш мумкин, лекин масалани бу хил ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун биринчи галда манба (луғат, тазкира, баёз, рисола) лардаги матнларни ўзаро муқояса этиш жоиз, ана ўшандагина шубҳалардан холи хулосаларни ўртага ташлаш имконияти туғилади. Гоҳо шундай бўладики, матнларни қиёслашнинг иложи йўқ, унда бир шеър икки ижодкорга тенг дахлдор бўлиб қолаверади. Масалан қуйидаги матлаъ ила ибтидо топувчи ғазал:

*Дар бог гул фириштад ҳар нимшаб абир,
В-аз шох андалеб бисозад ҳаме сафир
[2:347].*

Мазмуни:

*Оқшом богда гул хушбўй ис таратар,
Дарахт шохида булбул хониш этар.*

Бира тўла ҳам Дақиқийнинг ва ҳам Мунжикнинг бадий мулкига айланган. Ёки “Ашъори ҳамасрони Рудакий”да Бадеъий Балхийнинг ўн икки байтли шеъри тўлиғича Мунжикники дейилади.[2:308-309], Авфий “Лубоб ул-албоб”да шу шеърдан Бадеъий Балхийга нисбат берилган етти байтни мисол келтиради, унинг бошланмаси:

*Ҳаво рўи заминро шуд мутарриз,
Ба софий оби даръё ба қирмиз [2:509].*

Мазмуни:

*Соф дарё суви, қизил ранг – тамал,
Ва ҳаво бирла заминга тўшар бахмал.*

Илгари Мунжикка, кейинчалик Бадеейга нисбат бериб келинаётган бу шеър Тохир Чағонийга бағишланган қасида бўлиб, унинг матни тўлиқ тикланмаган, ундан ўн икки байт сақланиб қолган. Мунжик ва Бадеей Чағонийда бир вақтда яшаб ижод этган, улар Тохир Чағонийга мулозим эди. Ана шундан манбаларда бу шеър ғалат равишда ҳар иккала шоирга нисбат бериб келинган. Унинг асл муаллифини тайин этиш мушкул иш, чунки Мунжик ва Бадеейнинг шеърий девони етиб келмаган, шу боис бу масала ҳозирча очиқ қолади. Муҳими кейинги изланишлар айти шу шеър Бадеей Балхийга тааллуқли эканлиги тўқис исботлаб берилди [10:120].

Мунжик ва Бадеей бир замонда яшаган, уларнинг шеърлари адашиб гоҳ уники, гоҳ буники дейилиши табиий ҳол, қолаверса, Дақикий ҳам Мунжик замонига яқин яшаган. Бироқ Мунжик ва Анварий шеърларининг чалкашиб кетишига боис нима? Ахир Мунжик ва Анварий даври оралиғи бир асрга тенг, улар шеърларининг адашиб бир-бирига ўтиши ўта ғалати ҳодиса. Анварий девонида Мунжикка нисбат берилган ўша қитъа қуйдагича бошланади:

*Эй ба даръёи ақл карда шиноҳ,
В-зи баду неки ин жаҳон огоҳ.*[3:628]

ва у уч байтдан иборат. “Ашъори ҳамасрони Рўдакий”да бу шеър Мунжик номидан келтирилади, шеър тўрт мисрала, у ушбу мисралар ила бошланади

*Эй ба даръёи ақл карда шиноҳ,
В-зи баду неки рўзгор огоҳ* [2:352].

Бу шеър сайри тарихига илк бор Зебиҳулло Сафо диққатни тортган эди, олим “Торихи адабиёт дар Эрон” асарида шеърнинг тўлиқ матнини келтиради. Анварий девони, “Ашъори ҳамасрони Рўдакий” ва З. Сафо (“Торихи адабиёт дар Эрон”) даги шеър матнлари қиёсланиб, матнда фарқлар борлиги аниқланди. Хуллас, Мунжик шеърининг иккинчи байти Анварий девони воситасида етиб келган:

*Чун куни табъи поки хеш палид,
Че куни рӯи сурхи хеш сиёҳ* [3:628].

Зебиҳулло Сафонинг “Торихи адабиёт дар Эрон” китобидаги шеър матнига мурожаат қилсак масала анча ойдинлашади. Қисқаси шеър Анварий девони саҳифасига кўчгунча матн талай ислоҳларни бошидан кечирган:

*Эй ба даръёи ақл карда шиноҳ,
В - зи баду неки рўзгор огоҳ,
Чун куни табъи поки хеш палид,
Че куни рӯи сурхи хеш сиёҳ.
Нони фуру зан ба оби дидаи кам
В-зи дари ҳеч сифла шир маҳоҳ.*[8:424-425]

Мазмуни:

*Ақл дарёсига шўнғибон ногоҳ,
Бу дунё яхиш-ёмонидин огоҳ.
Пок номингни нопок айлама,
Қизил юзинг этибон сиёҳ.
Меҳнат нонин қилгил тўтиё,
Зинҳор нокас бўлмас додҳоҳ.*

Шеър узоқ сайр этган бўлса-да, ўзининг даслабки мазмуний ҳалқасини айтарлик сақлаб қолган, бу унинг ғоявий моҳиятига ҳам тааллуқлидир. “Фарҳанги забони тожики”да Мунжик шеърдан олинган бир байт Сўзаний (1091 – 1173) га нисбатан берилди:

*Зи ҳайбати, ту адў нақши “Шоҳнома”
шавад,
К-аз ў на мард ба кор ояду на аспу на соз.* [11:485]

Мазмуни:

*Савлатингдан жонзоту от, душман
нафақат,
Балки “Шоҳнома” алплари гўё суврат.*

Даврлар ўтиши билан манбадан манбага кўчган шеър матнлари ўзгариб борганига шубҳа йўқ.. Узоқ бормай Мунжик шеърларидан келтирилган парчаларни Умар Родуёний “Таржимон ул-балоға” ва Шамси Қайс Розий “Ал-мўъжам” мисоллари асосида таққослашнинг ўзи кифоядир. Родуёнийда:

Ар ангубинлабий сухани талх мар чарост,
В-ар ёсунманбарий ту ба дил чун, ки
оҳаний [5:50].

Шамси Қайс Розийда:

*Гар ангубинлабий сухани ту чарост талх,
В-ар ёсунманбарий ту, ба дил чунак оҳаний*
[13:282]

Мазмуни:

*Баданинг гул монанд, дилинг тош-қаттиқ,
Лабинг асал, нечун сўзларинг аччиқ.*

“Ал-Мўъжам”да Мунжикка тегишли бир тўртлик шеър борки, Шамси Қайс Розийгача ва ундан кейинги манбаларнинг бирортасида бу тўртлик учрамайди:

*Гўгирди сурх хост зи ман сабзи ман парер,
Имрўз агар наёфтаме, рўйзардаме.
Гуфтам, ки нек бувад, ки гўгирди сурх хост,
Гар нони ховжа хости аз ман, чи кардаме?*
[8:300]

Мазмуни:

*Мендан тунов кун гугурт истади гўзалим,
Бугун топмасам, рангим саригдир.
Дедим: “Яхши гугурт сўраши,
Агар ховжа нонин сўраса нима қилардим?”*

Очиғи мурожаат қилган манбаларимиз орасида Родуёний “Таржимон ул-балоға”си хийла қадимий ва мўътабардир. Масалан, Мунжикка тааллуқли бир шеърнинг давомини “Таржимон ул-балоға” бўйича тикладик. Шеърнинг бошланмаси “Ашъори ҳамасрони Рўдакий”да:

*Ҳаме ҳар он-ч на озодагист пеша куний,
Сари ту аз дари он аст, ки зери теша куний*
[2:353].

Мазмуни:

*Одамийлик миннат қилинмас зинҳор,
Бошинг мақомин тешадан қилма ор.*

Худди шу шеърнинг давомий байти “Таржимон ул-балоға” да

*Якист рўйи бинам чунон ки мар харро,
Ба гоҳи нохта бардоштан лавиша куний.*
[5:48]

Мазмуни:

*Ифлослар башараси ўхшар, айни-
Эшак нохтасиву юганга ҳамкор.*

Бундан ташқари Мунжикнинг Тохир Чағоний мадҳидаги қасидасида мавжуд бир байт “Таржимон ул-балоға”дан бўлак манбаларда йўқ экан:

*Мангар зи чаими муҳолиф ба боғи давлати
хеш,
Баланд сарв набинад, на навнишонда ниҳол*
[5:42].

Мазмуни:

*Ғаним кўзи ила боқсанг бойлик боғига,
На сарвни, илғамассан ва на навниҳол.*

3.Сафо ўз тадқиқотларида шу қасиданинг айтарлик тўлиқ матни (ўттиз етти байт)ни келтиради. Афтидан қасида матни бизгача нотугал етиб келган ва айни “Таржимон ул-балоға”даги ўша байт 3. Сафода ҳам тушиб қолган. “Таржимон ул-балоға”даги бир қитъа ва “Ал-мўъжам”даги гугурт ҳақидаги шеър матнлари “Ашъори ҳамасрони Рўдакий”га кирмай қолган.

Эронлик адабиётшунос олим Эҳсон Шаворибий Муқаддам ўз изланишларининг якуни сифатида Мунжик шеърларининг адашган муаллифлари ёки аксинча бўйича куйидаги ҳодисаларни аниқлашга муяссар бўлди. Чунончи Мунжик шеърларининг адашиб шоирлардан Азракий, Дақикий, Қатрон, Юсуф Арузий, Фаррухий, Анварий, Сўзаний, Бусайд Хатирий, Оғочий, Хусайн Айлоқий, Абулмуъид кабилар номига ўтиб кетиши ёки аксинча Рудакий, Лабибий, Бадъий Балхий, Шаҳид Балхий, Фаррухий, Манучехрий, Абуали Чочий шеърларининг Мунжик номига нисбат берилиши ҳодисалари шулар жумласидандир [10:3-29].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Мунжик Термизий шеърятти давр адабий муҳитида алоҳида ўрин эгаллаган. Унинг шеъряттидаги услуб кўпроқ илмий терминалогияга асослангани

билан фарқ қилади. Астраномик истилоҳлар шоир шеърларида қўп фойдаланилган. Айниқса қасида жанридаги шеърлари бу борада намуна бўлишга арзийди. Шунинг натижасида замондош ва кейинги давр тазкирачилари ўз асарларида Мунжикни “маҳоратли шоир” сифатида тилга олиши бежиз эмас. Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Мовароуннаҳр ўлкасида бугунги кунга қадар шоир шеърляти тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келинмоқда. Шарқ мутмоз шеърлятининг ёрқин намояндаси бўлган Мунжик Термизий ҳаёти ва адабий меросини ўрганиш адабиётшунослик олдидаги долзарб мавзулардандир. Кейинги изланишларимиз шунини кўрсатдики, “Фарҳанги забони тоҷикӣ” (М.:1969. – 952с.) да бошқа манбаларда учрамайдиган Мунжикнинг ўн етти байти борлиги аниқланди. Башарти изланишлар шу усулда турли манбалар ўзаро чоғиштирилиб давом эттирилса, Мунжик шеърлярининг номаълум қисмларини топишга ёки тиклашга умид боғласа бўлади. Буларнинг бари ҳали XIII – XIV асрларда ва ундан кейинги даврларда ҳам Мунжик шеърляти шухратининг сўнмаганидан далолат беради. Ҳиндистонда Абдурахмон ар-Розий тартиб берган “Мажмуаи ашъори шуарои мутақаддимин”да Мунжикнинг икки қасидаси жой олгани воқеаси ҳам фикримизни тўқис исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Авфий, Муҳаммад. Лубобу-л-албоб. 1 – 2-жилди. Биринчи нашри. Профессор Э.Г.Браун нашри асосида муқаддима, шарҳлар аллома Муҳаммад Қазвиний, изоҳлар устоз Саид Нафасий, инглиз тилидаги дебочаларнинг форсий таржимаси Муҳаммад Аббос қаламига мансуб. – Техрон: Мумтоз, 1361. – 1036 с.
2. Ашъори ҳамасрони Рӯдакий. – Сталинобод: Нашриёти давлатии Тоҷикистон, 1958. – 408 с.
3. Девони Анварий. – Техрон: Нигоҳ, 1376. – 744 с.
4. Мирзозода Холиқ. Таърихи адабиёти тоҷик. Китоби 1 (1). – Душанбе: Маориф, 1987. – 488 с.
5. Муҳаммад бинни Умар ар-Родуғиний. Таржимон ул-балоға. Чопи дуввум. – Техрон: Асотир, 1362. – 263 с.
6. Османов М.Н. Стиль персидско-таджикской поэзии IX – X вв. – Москва: Наука, 1974. – 560 с.
7. Осори Рӯдакий. – Сталинобод: Нашрдавтож, 1958. – 544 с.
8. Сафо Зебихулло. Тарихи адабиёт дар Эрон. Жилди аввал. Аз оғози аҳди Исломи та давраи

- Салжуки. Чопи панжум. – Техрон: Муасасаи интишороти “Амири Кабир”, 1355. – 721 с.
9. Сафо Зебихулло. Тарихи адабиёт дар Эрон. Жилди дуввум. Аз оғози аҳди Исломи та давраи Салжуки. Чопи панжум. – Техрон: Муасасаи интишороти “Амири Кабир”, 1355. – 1128 с.
10. Термизий, Мунжик. Девон. – Тошкент: Yangi nashr, 2016. – 120 б.
11. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Иборат аз ду жилд. (аз асри X то ибтидои асри XX). Жилди 1. – Москва: Нашриёти “Советская энциклопедия”, 1969. – 952 с.
12. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Иборат аз ду жилд. (аз асри X то ибтидои асри XX). Жилди 2. – Москва: Нашриёти “Советская энциклопедия”, 1969. – 952 с.
13. Шамси Қайс Розӣ. Ал-Мўъжам. – Душанбе: Адиб, 1991. – 464 с.